



O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 21 » iyul

№ 305

Toshkent sh.

Пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан пилла боқувчиларга етказиб берилган ипак қурти уруғи учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ипакчилик тармоғини янада ривожлаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 24 февралдаги ПҚ-73-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан пилла боқувчиларга етказиб берилган ҳар бир қути ипак қурти уруғи учун субсидия ажратиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи **Пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан пилла боқувчиларга етказиб берилган ипак қурти уруғи учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

пилла боқувчиларга етказиб берилган ҳар бир қути ипак қурти уруғи учун субсидия оладиган пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг манзилли рўйхатини шакллантириш;

пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан пилла боқувчиларга етказиб берилган ҳар бир қути ипак қурти уруғи учун субсидия ажратиш тартиби, муддатлари ва шартлари.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналарга бериладиган субсидия учун зарур маблағларни Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан:

2023 молия йилида хонадонларда пилла (хўл пилла) ҳосилини етиштирувчи жисмоний шахсларга назарда тутилган субсидиялар ҳисобидан ажратилишини;

2024 ва 2025 молия йилларида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси сўровига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “21” июлдаги 305-сон қарорига
1-илова

**Пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи
корхоналар томонидан пилла боқувчиларга етказиб берилган ипак
қурти уруғи учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналарга улар томонидан пилла боқувчиларга етказиб берилган ҳар бир қути ипак қурти уруғи учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия ажратиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ипак қурти уруғи – ипак қурти уруғчилик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ва пилла боқувчиларга етказиб бериш мақсадида маҳсус инкубаторияларда жонлантириладиган маҳсулот;

пиллани қайта ишлаш корхоналари – пилла хомашёсини қабул қилиб олувчи ва қайта ишловчи корхоналар;

пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналар – уруғлик пиллани қабул қилиб, ундан ипак қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналар;

субсидия – бевосита пилла боқувчиларга етказиб берилган ҳар бир қути ипак қурти уруғи учун пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналарга қайтармаслик шарти билан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан бериладиган маблағлар;

субсидия олувчилар – пилла боқувчиларга ипак қурти уруғини етказиб берадиган пиллани қайта ишлайдиган корхоналар ҳамда пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналар.

3. 2026 йил 1 январга қадар ҳар йили пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналарга (кейинги ўринларда – субсидия олувчилар) улар томонидан пилла боқувчиларга етказиб берилган ҳар бир қути ипак қурти уруғи учун **120 минг сўм** миқдорида Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

Субсидиялар бир молия йилидан келгуси молия йилига ўтказилмайди ва аввалги йилларда бажарилган ишлар учун тўлаб берилмайди.

4. Субсидия олувчиларга субсидия ушбу Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ берилади.

2-боб. Субсидия ажратиш тартиби ва шартлари

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) билан биргаликда Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва Уюшманинг ҳудудий “Агропилла” МЧЖлари ҳамда пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг таклифларига асосан келгуси йилда парваришиланадиган ипак қурти уруғи ҳажмлари бўйича прогноз параметрларини ишлаб чиқади ҳамда **ҳар календарь йилнинг 20 июлига қадар** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги парваришиланадиган ипак қурти уруғи ҳажмлари бўйича прогноз параметрлардан келиб чиқсан ҳолда, келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу мақсадларга субсидиялар ажратилишини назарда тутади ҳамда **ҳар календарь йилнинг 1 февралига қадар** мазкур субсидияларни Қўмитага ажратиб борилишини таъминлади.

6. Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари ва Уюшманинг ҳудудий “Агропилла” МЧЖлари субсидия оловчилар билан биргаликда пилла боқувчиларга етказиб берилган ҳар бир қурти уруғи учун субсидия оловчиларнинг манзилли рўйхатини (кейинги ўринларда – манзилли рўйхат) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакллантиради.

Манзилли рўйхат шартнома асосида сотиб олинган ва пилла боқувчиларга етказиб берилган ипак қурти уруғининг миқдори ҳамда субсидия оловчиларга ажратиш талаб қилинадиган субсидиянинг ҳажми асосида шакллантирилади.

Манзилли рўйхат Уюшманинг ҳудудий “Агропилла” МЧЖлари раҳбарлари ва субсидия оловчилар томонидан имзоланиб, Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланган ҳолда биринчи ва иккинчи мавсумлар учун **ҳар календарь йилнинг 20 майига қадар**, учинчи ва тўртинчи мавсумлар учун **ҳар календарь йилнинг 20 августига қадар** Қўмитага тақдим қилинади.

Субсидия оловчиларнинг манзилли рўйхатининг тўғрилиги ва асосланганлиги учун Қўмитанинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, Уюшманинг ҳудудий “Агропилла” МЧЖлари раҳбарлари ва субсидия оловчилар шахсан жавобгар ҳисобланади.

7. Қўмита субсидия оловчиларнинг манзилли рўйхати келиб тушганидан сўнг **ўн иш кунида** ўзининг шахсий ғазна ҳисобварагига субсидия бериш учун ажратилган маблағларни субсидия оловчиларнинг банк ҳисобварагига ўтказиб беради.

8. Агар, субсидия олувчи парваришиланадиган ипак қурти уруғини шартнома асосида сотиб олса, у ҳолда субсидияларни **ўн иш кунида** маҳсулот етказиб берган пилла қурти уругчилик корхонасининг банк ҳисобварағига ўтказиб беради.

9. Субсидия олувчилар пилла боқувчиларга етказиб берган ва қабул қилган ипак қурти уруғи ҳажмлари ҳамда берилган субсидияларнинг ишлатилиши тўғрисидаги маълумотларни (ҳисобварақ-фактура ва тўлов топширикномасини илова қилган ҳолда) ушбу Низомга 3-иловадаги шаклга мувофиқ Кўмитага тақдим этади.

Бунда маълумотлар биринчи ва иккинчи мавсум учун **ҳар календарь йилнинг 1 июлига қадар**, учинчи ва тўртинчи мавсум учун **ҳар календарь йилнинг 1 сентябрига тақдим этилиши лозим**.

10. Кўмита маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қиласди ва субсидияларнинг фойдаланилмаган қисмини (миқдорини кўрсатган ҳолда) қайтариш тўғрисида биринчи ва иккинчи мавсум учун **ҳар календарь йилнинг 10 июлига қадар**, учинчи ва тўртинчи мавсум учун **ҳар календарь йилнинг 10 сентябрига** пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналарга ёзма талабномани юборади.

11. Пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналар талабномада кўрсатилган маблағларни биринчи ва иккинчи мавсум учун **ҳар календарь йилнинг 20 июлига қадар**, учинчи ва тўртинчи мавсум учун **ҳар календарь йилнинг 20 сентябрига қадар** Кўмитанинг шахсий ғазна ҳисобварағига қайтариши лозим.

12. Кўмита **ҳар календарь йилнинг 1 декабрига қадар** парвариш қилинган ипак қурти уруғи ҳажмлари, субсидия олувчилар ва берилган субсидиялар миқдори тўғрисидаги маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

13. Кўмита ажратилган субсидиялар миқдори тўғрисидаги маълумотларни **йил якунига қадар** ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиб боради.

3-боб. Якунловчи қоидалар

14. Субсидиялар бериш бўйича юзага келадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилинади.

Низоларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилиш имкони бўлмаганда, низолар суд тартибида ҳал қилинади.

15. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти ургини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан пилла бокувчиларга етказиб берилган ипак қурти уруғи учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти ургини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан пилла бокувчиларга етказиб берилган ҳар бир қути ипак қурти уруғи учун субсидия ажратиш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Чора-тадбирлар | Муддатлар |
|-----------|--|--|---|
| 1-босқич | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси (кейинги ўринларда –Уюшма) | <p>1. Кўмитанинг худудий бошқармалари ва Уюшманинг худудий “Агропилла” МЧЖлари ҳамда пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти ургини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг таклифларига асосан келгуси йилда парваришиланадиган ипак қурти уруғи ҳажмлари бўйича прогноз параметрларини ишлаб чиқади.</p> <p>2. Парваришиланадиган ипак қурти уруғи ҳажмлари бўйича прогноз параметрларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда инобатга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қиласди</p> | Ҳар календарь йилнинг 20 июляга кадар |
| 2-босқич | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги | <p>1. Парваришиланадиган ипак қурти уруғи ҳажмлари бўйича прогноз параметрлардан келиб чиқсан ҳолда, келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу мақсадларга субсидиялар ажратилишини назарда тутади.</p> <p>2. Пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти ургини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан пилла бокувчиларга етказиб берилган ҳар бир қути ипак қурти уруғи учун субсидиялар Кўмитага ажратиб борилишини таъминлайди.</p> | Ҳар календарь йилнинг 1 февраляга кадар |

| Босқичлар | Субъектлар | Чора-тадбирлар | Муддатлар |
|-----------|--|--|---|
| 3-босқич | Кўмитанинг худудий бошқармалари, Уюшманинг худудий “Агропилла” МЧЖлари, субсидия олувчилар | 1. Шартнома асосида сотиб олинган ва пилла боқувчиларга етказиб берилган ипак қурти уруғининг миқдори ҳамда субсидия олувчиларга ажратиш талаб қилинадиган субсидияларнинг ҳажми асосида субсидия олувчиларнинг манзилли рўйхатини шакллантиради. 2. Манзилли рўйхатни имзолаб, тасдиқланган ҳолда Кўмитага тақдим қиласди. | Биринчи ва иккинчи мавсум учун – 20 майга қадар Учинчи ва тўртинчи мавсум учун – 20 августга қадар |
| 4-босқич | Кўмита | Субсидия олувчиларнинг манзилли рўйхати келиб тушганидан сўнг ўзининг шахсий ғазна ҳисобварафига субсидиялар бериш учун ажратилган маблағларни субсидия олувчининг банк ҳисобварафига ўтказиб беради. | Ўн иш кунида |
| 5-босқич | Пиллани қайта ишлаш корхоналари, пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналар | Парваришиланадиган ипак қурти уруғини шартнома асосида сотиб олса, у ҳолда субсидияларни маҳсулот етказиб берган пилла қурти уруғчилик корхонасининг банк ҳисобварафига ўтказиб беради. | Ўн иш кунида |
| 6-босқич | Пиллани қайта ишлаш корхоналари, пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналар | Пилла боқувчиларга етказиб берган ва қабул қилинган ипак қурти уруғи ҳажмлари ҳамда берилган субсидияларнинг ишлатилиши тўғрисидаги маълумотларни (ҳисобварак-фактура ва тўлов топширикномасини илова қилган ҳолда) Кўмитага тақдим этади. | Биринчи ва иккинчи мавсум учун – 1 июлга қадар Учинчи ва тўртинчи мавсум учун – 1 сентябрга қадар |

| Босқичлар | Субъектлар | Чора-тадбирлар | Муддатлар |
|-----------|--|--|--|
| 7-босқич | Кўмита | Маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қиласи ва субсидияларнинг фойдаланилмаган қисмини (микдорини кўрсатган ҳолда) қайтариш тўғрисида пиллани қайта ишлаш ва пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналарга ёзма талабномани юборади. | Биринчи ва иккинчи мавсум учун – 10 июлга қадар Учинчи ва тўртинчи мавсум учун – 10 сентябрга қадар |
| 8-босқич | Пиллани қайта ишлаш корхоналари, пилла қурти уруғини ишлаб чиқарувчи корхоналар | Талабномада кўрсатилган маблағларни Кўмитанинг шахсий ғазна ҳисобварагига қайтаради. | Биринчи ва иккинчи мавсум учун – 20 июлга қадар Учинчи ва тўртинчи мавсум учун – 20 сентябрга қадар |
| 9-босқич | Кўмита | Парвариш қилинган ипак қурти уруғи ҳажмлари, субсидия олувчилар ва берилган субсидиялар микдори тўғрисидаги маълумотларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради. | Ҳар календарь йилнинг 1 декабрига қадар |
| 10-босқич | Кўмита | Ажратилган субсидиялар микдори тўғрисидаги маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиб боради. | Йил якунига қадар |

Пиллани қайта ишлаш ва пилла курти ургини ишлаб чикарувчи корхоналар томонидан пилла бокувчиларга етказиб берилган ипак курти урги учун субсидия ажратиш тартиби түгрисидаги низомга
2-илова

"Тасдиқлайман"

Ипакчилик ва жун саноатини
ривожлантириши қўмитасининг ҳудудий
бошқармаси бошлиғи

(имзо, Ф.И.О.)

202__ йил " ____ "

_____ вилоятида 202__ йилда пилла бокувчиларга етказиб берилган ҳар бир кути ипак курти урги учун субсидия олувчиликнинг
МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

| T/p | Пиллани қайта ишлаш ва уруғчилик корхоналари номи | Туманлар номи | Режа | | Шундан, парваришланадиган ипак курти урги (кути) | | | | Пилла бокувчиларга етказиб берилган жами ипак курти урugi микдори (кути) | Субсидия олувчиликнинг ажратиш талаб қилинадиган субсидия микдори (минг сўм) | |
|--------------|---|------------------|------|-------|---|-------------------------|--|---|--|--|--|
| | | | | | Хорижий уруғчилик корхоналаридан келтириладиган | | Жами хориждан келтирила- диган ипак курти урги | Республикадаги уругчилик корхоналаридан олинадиган | | | |
| | | | кути | тонна | уруг микдори | хорижий корхона номи | | уруг микдори | корхона номи | | |
| 1 | | | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | | | | |
| Жами: | | | | | | | | | | | |

Изоҳ. Манзилли рўйхат 1 ва 2-мавсум учун ҳамда 3 ва 4-мавсум учун алоҳида тўлдирилади ва мазкур Низомда белгиланган муддатда Қўмитага тақдим қилинади.

_____ вилояти худудий "Агропилла" МЧЖ раҳбари

имзо

Ф.И.О.

Пиллани қайта ишлаш корхонаси раҳбари

имзо

Ф.И.О.

Уруғчилик корхонаси раҳбари

имзо

Ф.И.О.

Пиллани қайта ишлаш ва пилла курти уруғини ишлаб
чиқарувчи корхоналар томонидан пилла бокувчиларга
етказиб берилган ипак курти уруғи учун субсидия
ажратиш тартиби түғрисидаги низомга
3-илова

"Тасдиқлайман"

Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш
қўмитасининг ҳудудий бошқармаси бошлиги

(имзо, Ф.И.О.)

202 ___ йил " ____ " _____

Субсидия олувчилар томонидан пилла бокувчиларга етказиб берилган ва қабул қилинган ипак курти уруғи ҳажмлари
ва субсидиянинг ишлатилиши түғрисида

МАЪЛУМОТ

| T/p | Пиллани қайта ишлаш ва уруғчилик корхоналари номи | Қабул қилинган ипак курти уруғи микдори (<i>қутти</i>) | | | Қабул қилинган ипак курти уруғига хисобварак-фактура | | Ипак курти уруғи учун хисоб-китоб тўлов топширикномаси | | | |
|-----|---|--|---|------|--|--------|---|--------|--------|--------------------------------|
| | | хорижий уруғчилик корхонасидан | республикадаги уруғчилик корхонасидан | жами | санаси | рақами | уруг микдори (<i>қутти</i>) | санаси | рақами | тўлов суммаси (минг сўм) |
| 1 | | | | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | | | | |
| ... | | | | | | | | | | |

_____ вилояти ҳудудий "Агропилла" МЧЖ раҳбари

имзо

Ф.И.О.

Пиллани қайта ишлаш корхонаси раҳбари

имзо

Ф.И.О.

Уруғчилик корхонаси раҳбари

имзо

Ф.И.О.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “21” июлдаги 305-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб
эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга улар томонидан етиштирилган пилла (хўл пилла) ҳосили учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 24 декабрдаги 773-сон қарори.
2. Вазирлар Маҳкамасининг “Яратилган янги иш ўринларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 21 декабрдаги 717-сон қарорига 2-илованинг 21-банди.

